

Бизларким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан SAVDO ХАМКОР 2019 МЧЖ келгусида «Таъминотчи» деб юритилади, унинг номидан рахбар Худояров А ва иккинчи томондан 26 ДИМИ Бўстон т номидаги унинг рахбари Кан Э Р келгусида «Харидор» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздик.

I. Шартнома мазмуни

1.1. «Таъминотчи» мазкур шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган хизматларни курсатади, «Харидор» эса олган хизмат қийматини «Таъминотчи»нинг банкдаги тегишли ҳисоб-рақамига мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган тартибда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади, ўз навбатида хизматларни (бундан буён матнда хизмат деб юритилади)ни қабул қилиб олади. муассасада соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича кўрсатилган хизматлар 8 фоизгача устама ҳақини олади;

1.2. «Таъминотчи» куйидаги хизмат билан таъминлайди:

сум ҳисобида						
№	хизмат номи	Улчов бирлиги	Лот рақами	Микдори	Нархи	Суммаси
1	озик-овкат	порция	32456	11000	23100	254 100 000
2	Шу жумладан					
3	нонуста	порция		11000	2916	32 076 000
4	тушлик	порция		11000	8640	95 040 000
5	пешинлик	порция		11000	6804	74 712 000
6	кечки овкат	порция		11000	4752	52272000
X	ЖАМИ:	X		X	X	254 100 000

"1.3. Шартноманинг умумий суммаси: 254 100 000 сум 00 тийин " (Икки юз эллик турт миллион бир юз минг сум 00 тийин) сумни ташкил қилади"

1.4 хизматлар «Харидор»нинг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда қабул қилиб олингандан сўнг, хизматга эгалик ҳукуқи «Харидор»га ўтади.

2. ХИЗМАТНИНГ СИФАТИ

2.1. «Таъминотчи» етказиб бериладиган хизматнинг талаб ва стандартларга мос келишини қафолатлайди.

3. ЖЎНАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Етказиб берилиши керак бўлган хизматнинг ассортименти, микдори ҳамда таъминот муддатларини «Харидор» мустақил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос бўлган танлов (тендер) савдоси ташкил этилган комиссия баённомасида кўрсатилган ёки комиссия томонидан қўйилган шартлардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

3.2 «Етказиб берувчи» томонидан хизматлар етказиб берилмай қолганда, етказиб берилмаган микдордаги хизматни, 5 кун муддат ичида ёки «Харидор» билан келишилган ҳолда шартнома амал қилиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кўзда тутилган хизматларга қўшиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.3 “Етказиб берувчи” томонидан етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилган хизматларни «Харидор» учун оғохлантирилган холда қабул қилмаслик ҳуқуқига эга.

3.4 “Етказиб берувчи” томонидан етказиб берилган хизматлар сифати хизматлар сифати талабга жавоб бермаслик ҳолатларида етказиб «Харидор» қуйидаги талабларни қўйиш ҳуқуқига эга:

- Харид нархларни (етказиб берилган сифатсиз хизматлар қиймати билан сифатли хизматлар қиймати ўртасидаги фарк) га камайтириш,

- Сифатсиз хизматларни “Етказиб берувчи” ҳисобидан сифатли хизматларга 5 кун муддатда алмаштириб бериш.

3.5 Агар “Етказиб берувчи” мазкур шартномада белгиланган миқдордаги хизматни етказиб бермаслик ёки «Харидор»нинг сифатсиз хизматларни алмаштириб бериш ҳақидаги талабларини белгиланган муддатларда бажармаса, «Харидор» шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Етказиб бериладиган хизматлар баҳоси «Харидор» ёки унинг юқори ташкилоти томонидан ўтказилган танлов савдосига тақдим этилган таклифларда кўрсатилган баҳолардан ошиб кетмаслиги шарт.

"4.2. Харидор хизматнинг 30% тўловни яъни 76 230 000сум 00 тийин (Етмиш олти миллион икки юз уттиз минг сум 00 тийин") олдиндан пул ўтказиш йўли билан амалга оширади, колган 70% яъни 177 870 000 сум 00 тийин (Бир юз етмиш етти миллион саккиз юз етмиш минг сум 00 тийин) сумма Таъминотчи томонидан хизмат етказиб берилган кундан бошлаб 25 кун ичида тулик туланиши лозим"

4.3 «Харидор» томонидан 30% ли олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг таъминотчи 5 кун ичида хизматни етказиб бериш мажбуриятини олади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги № 670-І сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни талаблари доирасида мулкий жавобгардирлар.

5.2 “Таъминотчи”нинг ҳисоб рақамига 30% тулов тушгандан сунг ўз вақтида «Харидор» талабларига кўра хизматларни етказиб бермаса хар бир кечиктирилган кун учун хизмат нархининг етказиб берилмаган суммасини 0,5 % миқдорида пеня тулайди, лекин ушбу сумманинг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.3 «Харидор» хизмат учун туловни ушбу шартномани 1.2 бандида белгиланган тартибда амалга оширмаса кечиктирилган суммадан 0.4% пеня тулайди, лекин умумий сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

6. ФОРС МАЖОР

6.1. Мазкур шартномани мажбуриятларини бажармасликка бошқа сабаблар, яъни табиий офатлар, фавқулодда вазиятлар, ишлаб чиқариш ускуналарини носозлиги, экспорт – импорт операцияларни тақиқланиши таъсир этса шартнома муддатлари ўзгартирилиши мумкин.

6.2. Томонлар форс-мажор ҳолати юз берганда бир-бирларига дархол хабар беришлари шарт.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлар бўйича жавобгар бўладилар.

7.2. Ушбу шартнома юзасидан вужудга келган низолар томонларнинг узаро келишуви асосида хал қилинади, ёки Хужалик суди орқали хал этилади

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш томонларни ёзма келишувлари билан амалга оширилади.

8.2. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифни олган томон, таклифни олган кундан бошлаб 10 кун ичида бошқа томонга ёзма жавоб беришга мажбур. Шу муддатда жавоб олмаган ҳолда ёки қониқарсиз жавоб олганда манфаатдор томон шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича хужалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

9. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома тегишли Ҳазначилик органидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрга қадар амал қилади

9.2. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар икки нусха бир хил юридик кучга эга.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Заказчик

Поставщик

26 ДИМИ

Манзил: Бустон т сарык жуга кфй
Чинор куча

СТИРи: 202142441 ОКОНХ: 92300


/ш/в 1000 2186 0032 0970 9230 0075
001

Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги Ҳазначилиги

Газна х/в: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент
ш. Бош бошкармаси ХККМ

СТИРи: 201122919

Рахбар:  Кан Э

Р

Юрист: 

SAVDO HAMKOR 2019 MCHJ

Манзил: Шахрихон тумани , юкори
шахрихон , дулан мфй

Х/в: 20208000701017814001

Банк номи: ИПОТЕКА-БАНК АТИБ
АНДИЖОН ВИЛОЯТ ФИЛ

ОКОНХ: МФО: 00059

СТИРи: 306127073

Рахбар: Худояров А А 